

Қиёмат куни халойиқ

13:20 / 19.04.2018 3078

Миқдод розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни:

«Қиёмат куни халойиққа қуёш яқинлаштирилади. Ҳаттоки, у билан қуёш ўртасида бир мил (ўлчов) миқдорича қолади», дедилар. (Бу ҳадиснинг ровийси Сулайм ибн Омир розияллоҳу анҳу қуйидагиларни Миқдоддан ривоят қилдилар: «Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам милдан нимани мақсад қилганларини билмадим. У ер ўлчанадиган мил ёки кўзга сурма қўяётганда истеъмол қилинадиган мил бўлиши мумкин».) **«Сўнгра кишилар амаллари миқдорича ўз терларига ғарқ бўлишади. Улардан тўпиқларигача ғарқ бўладиганлари, тиззаларигача ғарқ бўладиганлари ва белларигача ғарқ бўладиганлари бор. Ва баъзиларини ўз терлари юганлаб қўяди**», деб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламқўллари билан оғизларига ишора қилдилар.

Имом Муслим ривоятлари.